

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚИРҚ ОЛТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Сенаторлар йўлнинг таъмирлаш ишлари олиб борилаётган участкаларида йўл ҳаракатини ташкил этиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, қонунга кўра йўл участкаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ёки таъмирлаш бўйича ишлар бажарилаётганда йўлнинг мазкур участкаларидаги қатнов қисмининг кўпи билан 50 фоизи ўтиш учун чекланиши ёки ёпилиши мумкин. Йўл участкаларида қатнов қисмининг 50 фоизидан кўпроғини ёпиш зарур бўлган тақдирда мазкур йўл участкаларини айланиб ўтиш таъминлаши керак.

Қонун билан кўп квартирали уйларга туташ ҳудудларнинг белгиланган чегараларида тўхтаб туриш жойларини қуриш тўғрисидаги қарорлар ҳудудни режалаштириш бўйича тасдиқланган ҳужжатларга мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилиниши белгиланмоқда. Бунда қурилиш ишлари шахарсозлик нормалари ва қоидаларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Тўхтаб туриш жойларини жойлаштириш экологик хавфсизликни таъминлаш ҳамда атроф-муҳитга, аҳолининг соғлиғи ва оқсоқиллигига ҳақ салбий таъсири камайтириш ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилиши қайд этилмоқда.

Қонун билан электр двигателда ишлайдиган транспорт воситалари учун алоҳида жойлар ажратилиши ва бундай жойларда электр қувват манбаларига улангиш имконияти яратилиши мумкинлиги белгиланмоқда.

Шунингдек, қонунда пулли тўхтаб туриш жойларига доир талаблар, пулли тўхтаб туриш жойлари эгаларининг ҳуқуқ ва мажбу-

риятлари ҳам алоҳида модда билан белгиланмоқда. Мажлисида йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига алоҳида урғу берилиб, қонунда транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи нормалар ҳамда ҳайдовчиларни тайёрлашга доир талаблар белгиланаётганлиги, транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи қайси ҳолларда бекор қилиниши мумкинлиги кўрсатиб ўтилганлиги қайд этилди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун йўлларда юрдошларимиз хавфсизлигини таъминлаш, йўл ҳаракатини тўғри ва тизимли йўлга қўйиш, мутасадди органлар ўртасида самарали ҳамкорликни жорий этиш, шунингдек, йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилади.

“Йўл ҳаракати тўғрисида”ги қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенатнинг қирқ олтинчи ялпи мажлисида суд қарорларининг қонунийлиги ва асослигини текшириш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Фуқаролик процессуал, Иқтисодий процессуал кодексларга, Маъмурий суд ишларини юритиш ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги тўртта қонун муҳокама қилинди.

Киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра қонуний қучга кирмаган суд қарорлари шикоят (протест) асосида апелляция тартибда, қонуний қучга кирган суд қарорлари, агар улар апелляция тартибда қўрилмаган бўлса, кассация тартибда, апелляция ёки кассация тартибда қўрилган суд қарорларини тафтиш тартибда қўриш белгиланмоқда. Қонуний

қучга кирган суд қарорларини кассация тартибда қўриб чиқиш ваколати вилоят суди ва унга тенглаштирилган судлар ваколатига ўтказилмоқда.

Суд қарорларини қайта қўриш босқичларига тафтиш инстанцияси киритилиши муносабати билан Фуқаролик процессуал, Иқтисодий процессуал кодексларга, Маъмурий суд ишларини юритиш ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда тафтиш инстанциясида иш юритиш тартиби батафсил ёритилган.

Жумладан, қонун билан Фуқаролик процессуал кодексига суд ишларини қўришнинг ўта марказлаштирилишига барҳам берилиши, ишларни вилоят судларида ва уларга тенглаштирилган судларда апелляция ёки кассация ва тафтиш тартибда қўриш босқичлари жорий этилишини, ишлар Олий судда тафтиш тартибда ҳамда Олий суднинг Раёсатида қайта қўрилишини, юқори турувчи судлар томонидан қўи судларнинг бекор қилинган қарорларини янгидан қўриш учун қайтадан ушбу судларга юбориш тартиби чиқариб ташланишини, ҳар бир суд инстанциясининг зиммасига иш бўйича якуний қарор чиқариш мажбурияти юклатилишини, суд қарорларини қайта қўриш босқичларига тафтиш инстанцияси жорий этилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Шунингдек, амалдаги юқори инстанция судлари томонидан қўи инстанция судларининг қарорини бекор қилган ҳолда янгидан қўриш учун яна қўи судга юбориш тартиби бекор қилиниб, ҳар бир суд инстанциясига иш бўйича якуний қарор қабул қилиш мажбурияти юкланмоқда. Шу билан бирга, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш



бўйича қарор устидан апелляция шикоятини бериш муддати 20 кундан 10 кунга қисқартирилмоқда.

Бундан ташқари, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексга ишларни қўришнинг ўта марказлаштирилишига барҳам бериш, фуқароларнинг олис ҳудудлардан судга келиб сарсон бўлишининг олдини олиш мақсадида вилоят судлари ва уларга тенглаштирилган судларнинг имкониятларидан самарали фойдаланишга, энг муҳими, фуқароларнинг суд орқали ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш имкониятлари кенгайиб боришига эришилади. Қонунлар сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ олтинчи ялпи мажлисининг биринчи иш кун и якунланди.

тирок этиши шартлигини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Таъкидланганидек, мазкур қонунларнинг қабул қилиниши натижа-сида судларда ишларнинг сифатли ва ўз вақтида қўрилиши, суд қарорларини қайта қўришда вилоят судлари ҳамда уларга тенглаштирилган судларнинг имкониятларидан самарали фойдаланишга, энг муҳими, фуқароларнинг суд орқали ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш имкониятлари кенгайиб боришига эришилади.

Қонунлар сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ олтинчи ялпи мажлисининг биринчи иш кун и якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати.

КОНСТИТУЦИЙВИЙ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

АҲОЛИ БИЛАН МУЛОҚОТЛАРДА КЕНГ ТУШУНТИРИЛМОҚДА

Мулоқотдан сўнг бир қатор идора ва ташкилотлар масъуллари иштирокида ўтказилган йиғилишда Жиззах шаҳрида ободонлаштириш соҳасида ҳамда жорий куз-қиш мавсумига тайёр-гарлик қўриш бўйича амалга оширилаётган ишлар, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуннинг Жиззах шаҳрида ижро этилишига оид бир қатор масалалар ҳам муфассал қўриб чиқилди.

берилган саволларга қуйи палата депутатлари атроф-лича жавоб қайтарди.

Учрашув иштирокчилар фаоллигида ўтди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари Шўхрат Бафоев ҳамда Шерзод Раҳмоновнинг Шофиркон ва Ёғжудов туманларида бўлиб ўтган учрашувлари ҳам амалий натижаларга бой бўлди.

Депутатлар очик мулоқотлар чоғида кейинги йилларда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлохотлар, ҳар бир соҳада бўлаётган ўзгариш ва янгиланишлар ҳақида сўз юритдилар.

Шунингдек, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартриш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти кенг тушунтирилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси қуйи палатанинг бир гуруҳ депутатлари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган.

— Конституциявий қонун лойиҳаси билан Марказий сайлов комиссиясининг ҳамда ҳудудий, округ ва участка сайлов комиссияларининг ваколатлари аниқлаштирилмоқда, — дейди Қонунчилик палатаси депутати Шерзод Раҳмонов. — Шу билан бирга, туман, шаҳар сайлов комиссиясининг ваколатларини белгилловчи янги нормалар билан тўлдириляпти.

Тадбирда Конституциявий қонун лойиҳаси амалдаги қонунчиликни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 129-моддасига мувофиқлаштириш мақсадида ҳамда Президентимизнинг шу йил 8 майдаги тегишли Фармонининг 8-бандига мувофиқ ишлаб чиқилган алоҳида қайд этилди.

Учрашувда иштирокчиларни қизиқтирган саволларга депутатлар томонидан атрофлича жавоб берилди.

«Халқ сўзи».

ЭЛ-ЮРТ ОСОЙИШТАЛИГИ ЙЎЛИДА МЕҲНАТ ҚИЛИШ — ОЛИЙ МАҚСАДИМИЗ

Бугунги давр, ҳаётнинг ўзи ҳар кун и олдимизга кўпалаб вазифаларни кўндаланг қўймоқда. Президентимиз шу йил 26-27 июль кунлари Фарғона вилоятига ташрифи давомида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказган видеоселектор йиғилишида шафқатли бурчимизни бажаришда янада масъулятли бўлишга ундади. Жамиятимизда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда зиммасимиздаги жавобгарлик туйғусини теран англаб етишимиз кераклигини таъкидлади. Айни кунларда фаолиятимизни замонавий мезонлар асосида ташкил этишда бу каби эзгу ташаббуслар муҳим омил бўлмоқда.

Касб байрамимиз муносабати билан камтарона фаолиятим юксак эътироф этилиб, Президентимизнинг “Ички ишлар органлари ходимлари кун и муносабати билан бир гуруҳ ходимларни муқофотлаш тўғрисида”ги Фармонида кўра “Жасорат” медали билан тақдирланди.

Бу менга чексиз ифтихор бахш этди. Бундан буён ушбу ишончага лойиқ бўлиш учун халқимизнинг осуда ҳаётини таъминлаш йўлида ўз бурчимни сидқидилдан бажараман.

Улуғбек АСҚАРОВ, Фарғона вилояти ИИБ патруль-пост хизмати отряди сафдор ходими.

КУН ТАРТИБИДА — ДОЛЗАРБ ҲУҲЖАТЛАР МУҲОКАМАСИ

Кеча ўз ишини бошлаган Олий Мажлис Сенати қирқ олтинчи ялпи мажлисининг биринчи кунида қатор масалалар, жумладан, долзарб қонунлар қўриб чиқилди. Улардан айримларининг мазмун-моҳияти, бугунги кундаги аҳамияти хусусида сенаторлар шундай фикр билдирди.

Муносабат

Йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ишончли ҳимоя қилинади

Қутбиддин БУРҲОНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси:

— Сир эмас, кейинги пайтларда йўл ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ ҳолат аяқчилиши ўрнига тобора ёмонлашиб бормоқда. Яъни йўл транспорт иҳодисалари кўпайиб, ҳалок бўлаётганлар сони ортиб бораётганлиги, албатта, ташвишлидир. Бу ҳолат яқинда ўтказилган селектор йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан танқид қилинди.

Хўш, вазиятни ўнглаш учун қандай чора-тадбирлар қўрилмоқда?

Аввало, соҳанинг қонунчилик асосларини такомиллаштиришга алоҳида урғу берилаётганлигини айтиб ўтиш зарур.

Ялпи мажлисида сенаторлар томонидан маъқулланган “Йўл ҳаракати тўғрисида”ги қонун ҳам шу мақсадга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

Қонун билан йўл эгаси ҳуқуқ ва мажбуриятлари, транспорт воситалари эгаларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга доир мажбуриятлари ва меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган ҳайдовчилар ҳуқуқлари алоҳида моддалар билан белгилаб қўйилмоқда.

Яна бир муҳим янгилик, йўл участкаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ёки таъмирлаш бўйича ишлар бажарилаётганда йўлнинг мазкур участкаларидаги қатнов қисмининг кўпи билан 50 фоизи ўтиш учун чекланиши ёки ёпилиши мумкинлиги, агар қатнов қисмининг 50 фоизидан кўпроғини ёпиш зарур бўлган тақдирда мазкур йўл участкаларини айланиб ўтиш таъминланиши кераклиги кўзда тутилаётганлигидир.

Қопаверса, кўп квартирали уйларга туташ

ҳудудларнинг белгиланган чегараларида тўхтаб туриш жойини қуриш тўғрисидаги қарорлар ҳудудни режалаштириш бўйича тасдиқланган ҳужжатларга мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилиниши мўлжалланаётёр. Шунингдек, қонунда яна қатор янгиликлар борки, буларнинг барчаси, пировардида юрдошларимиз хавфсизлигини таъминлаш, йўл ҳаракатини тўғри ва тизимли йўлга қўйиш, мутасадди органлар ўртасида самарали ҳамкорликни жорий этиш, йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда кўл келади, деб ҳисоблаймиз.

Кассация тартибда қўриш ваколати вилоят суди ва унга тенглаштирилган судларга ўтказилмоқда

Шўхрат ЧЎЛЛИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси ўринбосари:

— Кейинги йилларда юртимизда адолат тарозиси бўлган судларни ислох қилиш ва одил судловни амалда тўлиқ таъминлаш ҳамда қуқаролар конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва жамиятда адолатли қарор топтириш масаласига устувор даражада эътибор қаратилмоқда.

Сенаторлар томонидан маъқулланган суд қарорларининг қонунчилик ва асослигини текшириш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Фуқаролик процессуал, Иқтисодий процессуал, Маъмурий суд ишларини юритиш ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги тўртта қонун ҳам шу мақсадга хизмат қилиши эътиборга молик.

Айтиш жоизки, тақдим этилаётган янгиликларга кўра қонуний қучга кирмаган суд қарорлари шикоят (протест) асосида апелляция тартибда, қонуний қучга кирган суд қарорлари, агар улар апелляция тартибда қўрилмаган бўлса, кассация тартибда, апелляция ёки

кассация тартибда қўрилган суд қарорларини тафтиш тартибда қўриш белгиланмоқда. Айни чоғда қонуний қучга кирган суд қарорларини кассация тартибда қўриб чиқиш ваколати вилоят суди ва унга тенглаштирилган судлар ваколатига ўтказилаётёр.

Суд қарорларини қайта қўриш босқичларига тафтиш инстанцияси киритилиши муносабати билан Фуқаролик процессуал, Иқтисодий процессуал, Маъмурий суд ишларини юритиш ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда тафтиш инстанциясида иш юритиш тартиби батафсил ёритилмоқда.

Хусусан, Фуқаролик процессуал кодексига суд ишларини қўришнинг ўта марказлаштирилишига барҳам берилишини, ишларни вилоят судларида ва уларга тенглаштирилган судларда апелляция ёки кассация ва тафтиш тартибда қўриш босқичлари жорий этилишини, ишлар Олий судда тафтиш тартибда ҳамда Олий суднинг Раёсатида қайта қўрилишини, юқори турувчи судлар томонидан қўи судларнинг бекор қилинган қарорларини янгидан қўриш учун қайтадан шу судларга юбориш тартиби чиқариб ташланишини, ҳар бир суд инстанциясининг зиммасига иш бўйича якуний қарор чиқариш мажбурияти юклатилишини, суд қарорларини қайта қўриш босқичларига тафтиш инстанцияси жорий этилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилаётганлигини айтиш зарур.

Бу янгиланишлар, пировардида судларда ишлар сифатли ва ўз вақтида қўрилишини, суд қарорларини қайта қўришда вилоят судлари ҳамда уларга тенглаштирилган судларнинг имкониятларидан самарали фойдаланишини, муҳими, суд орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш имкониятларини кенгайтиради.

Пробация жараёнидаги муносабатлар тартибга солинади

Толибжон МАДУМАРОВ, Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:

— Ҳозирги глобallaшув жараёнида жамият ҳаётига кириб келаётган инновация ва янги соҳалар сезиларли даражада ошгани барчага маълум. Буни сўнгги йилларда юртимизда илғор

хорижий тажриба ва халқаро стандартни иноватга олган ҳолда пробация хизмати фаолияти йўлга қўйилгани мисолида ҳам қўриш мумкин.

Пробация хизмати томонидан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Маълумотларга кўра, 2021 йилда пробация бўлиналари назорати остидаги шахслар томонидан 1086 та жиноят содир этилган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 845 тани, 2023 йилнинг 9 ойида 353 тани ташкил қилган. Бу, албатта, ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Аниқ айтидиган бўлсак, бугунги кунда суд томонидан тайинланган ахлоқ тўзатиш, озодлиқни чеклаш, маълум ҳуққудан маҳрум қилиш ва мажбурий жамоат ишлари жазоларини ижро этиш, шартли ҳўкм қилинган ва жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод бўлган шахсларнинг ҳулк-атвори устидан назорат қилиниши тартибга солувчи ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат йўқлиги бунга сабаб бўлмоқда.

Ялпи мажлисида қўрилган “Пробация тўғрисида”ги қонун бу борадаги ҳуқуқий бўлишқини тўлдириш мақсадида, ҳаётий зарурат туфайли ишлаб чиқилди.

Қонун билан пробация жараёнидаги муносабатлар, жумладан, пробация тизимининг асосий тушуналуви, пробация назоратидаги шахслар ҳуқуқий ҳолати, ижтимоий мослаштириш шакллари қўллаш тартиби, назоратдаги шахсларнинг ҳулк-атвориини баҳолаш мезонлари, уларга нисбатан электрон кузатув воситасини қўллаш масалалари тартибга солинмоқда.

Пробацияни амалга ошириш борасида Ҳўкумат, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаментининг ваколатлари аниқ белгиланб қўйилаётди. Уларга кўмак берувчи ташкилотлар рўйхати ҳам келтирилган.

Шунингдек, қонунда яна қатор янгиликлар мавжуд. Уларнинг барчаси пробация тизимидаги ҳуқуқий бўшлиқ ва зиддиятларни ҳал этиш, миллий хусусият ва шароит асосида халқаро стандарт ва илғор хорижий тажрибани имплементация қилиш, пробация амалиётида юзга келаётган масалаларга ечим топиш имконини беради.

«Халқ сўзи».

ЖАРИМА МАЙДОНЧАЛАРИ ТАЛАБГА ЖАВОБ БЕРАДИМИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан ўтказиладиган тадбирларда ҳар гал долзарб масалалар кўтарилди. Бу галги йиғилиш ҳам барчага, айниқса, йўл ҳаракати иштирокчилари учун муҳим аҳамиятга эга — жарима майдончалари фаолиятини комплекс тарзда қайта ташкил этиш борасида амалга оширилган ишлар таҳлилига бағишланди.

Йиғилишда депутатларнинг сайлов-чилар билан учрашувларида, қуйи палатага келиб тушган мурожаатларда қонун ҳужжатлари бузилгани учун ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш фаолияти, яъни жарима майдончалари билан боғлиқ жиддий муаммолар мавжудлиги кузатилгани қайд этилди.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Қозимжон Тожиев юқоридаги масалалардан келиб чиқиб, кўмита аъзолари томонидан соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси Андижон, Фарғона ва Самарқанд вилоятлари мисолида жойига чиқ-

қан ҳолда ўрганилгани бўйича маълумот берди.

Таъкидлаб ўтилганидек, мазкур жараёнда аксарият ушланган транспорт воситаларини жарима майдончаларида сақлаганлик учун пластик қарточкалардан тўловларни қабул қиладиган ҳисоб-китоб терминали ҳамда фискал хитора-га эга бўлган назорат-касса машинаси йўқлиги, мавжуд бўлганлирида ҳам улардан деярли фойдаланилмаслиги аниқланган.

Шу билан бирга, ушланган транспорт воситаларини жарима майдончаларида сақлаш бўйича кўрсатилган хизматлар учун турли миқдордаги тўловлар ундирилган. Ушбу тўловлар-

нинг аниқ миқдорлари эса белгиланмаган.

Яна бир ҳолат: ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларидан олиб чиқишга рухсатномани олишда ҳам айрим чалқашликлар мавжуд.

Бу каби қайд этилган муаммоларнинг мавжудлиги эса транспорт эгаларининг ҳақли эътирозларига, шу билан бирга, қатор оворагарчилик ва ноқулайликларга сабаб бўлаётганига алоҳида эътибор қаратилди.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси назорат-таҳлил тадбирида аниқланган камчиликлар, соҳага оид қонунчилик ҳужжатларини ўрганиш, статистик маълумотларни, шунингдек, сайловчилар билан ташкил этилган учрашувларда кўтарилган масалаларни таҳлил қилиш асосида жарима майдончалари фаолиятини тўғдан ўзгартириш зарурати мавжуд, дебдан ҳулосага келинган.

Шундан келиб чиқиб, кўмита тақлифи билан “Қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт восита-

ларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги масала юзасидан Бош вазир ўринбосари А. Раматовга Қонунчилик палатасининг парламент сўрови юборилган ва унга жавоб олинган.

Парламент сўровига келган жавобда қайд этилишича, ҳақиқатан ҳам, жарима майдончаларининг фаолиятига доир тизимли муаммолар борлиги, уларни ўрганиш юзасидан вазирлик ва идора-лар масъулларидан иборат ишчи гуруҳ тузилгани ҳолда республикада мавжуд жами 295 та жарима майдончаси ҳолати ўрганилгани ҳамда улар Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан белгиланган талабларга жавоб бермаслиги аниқланган.

Мазкур масала Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг доимий назоратида бўлганлиги боис йиғилишда бу бўйича масъулларнинг ахбороти атрофлича муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, парламент сўровида кўтарилган масалаларнинг ҳуқуқий

жиҳатдан ечимини таъминлаш мақсади-да Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори қабул қилинган.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, 2024 йил 1 январдан бошлаб, ушланган транспорт воситаларини сақлаш хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали очик танлов асосида саралаб олинади.

Шунингдек, ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш, сақлаш, ҳисобини юритиш ва олиб чиқиб кетишга рухсат бериш тегишли вазирлик ва идораларга интеграциялашган “Жарима майдончаси” ахборот тизими орқали амалга оширилади.

Ушбу ахборот хизматининг асосий вазифалари нималардан иборат?

Қайд этилишича, унинг асосий вазифалари — транспорт воситасини жарима майдончасига жойлаштириш тўғрисидаги қарор ушбу ахборот тизими орқали электрон шаклда чиқарилишини йўлга қўйиш, ушланган, тўхташ жойла-

рига жойлаштирилган ва олиб чиқишга рухсат берилган транспорт воситаларининг рўйхатини юритиш, барча тўловларни электрон шаклда амалга ошириш, ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларидан олиб чиқишга рухсатномани сақлаш хизматларини кўрсатувчи юридик шахсларга электрон шаклда тақдим этиш белгиланган.

ЁШЛАР — ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧИ

Халқаро форумнинг асосий миллий ташиклотчиси Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази бўлиб, у бир қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ўтказилди. Анжуманни ташкил этишда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, Олий комиссар бошқармасининг Марказий Осиё бўйича минтакавий бўлими, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий мувофиқлаштирувчиси офиси, БМТДнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси, Фридрих Эберт номидаги жамғарма каби халқаро шериклар билан яқин ҳамкорликда иш олиб борилди.

Гибрид шаклида ўтказилган халқаро форумда Марказий Осиё мамлакатларидаги ёшлар ташиклотлари, таълим муассасалари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, ёшлар, шунингдек, Ўзбекистонда аккредитация қилинган ўнлаб дипломатик ваколатхоналар намоёндалари қатнашди.

Халқаро форумда замонавий жамият ҳаётининг муҳим жабҳаларида ёшларнинг ўрни ва таъсирига, ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш бўйича амалдаги халқаро ҳамда минтакавий ҳужжатлар ва механизмларга оид кенг қўламли масалалар чуқур ҳамда синчиклаб муҳокама қилинди.

Фикримизча, ёшлар форуми қуйидаги асосларга кўра долзарб ва муҳим воқеа ҳисобланади: — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 75 йиллиги ҳамда Вена декларацияси ва Ҳаракатлар дастурининг 30 йиллиғини нишонлаш доирасида бўлиб ўтди;

— аҳолисининг қарийб ярмини ёшлар ташкил этувчи Марказий Осиё минтақасида навқирон авлод ҳуқуқларини таъминлаш бўйича бирлашиш ва ҳамкорлик қилишнинг рамзий ифодаси бўлди;

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида БМТ ҳузурида Марказий Осиё ёшларини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича Ишчи гуруҳни ташкил этиш тўғрисидаги ташаббусини амалга ошириш доирасида ўтказилди;

— шакли ҳамда мазмуни жиҳатдан ўзига хослиги билан ажралиб турди. Мазкур жаҳон анжумани Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистондан кўлаб ёшларни, шунингдек, мамлакатимизнинг 14 та ҳудудидан ўндан ортиқ олий таълим муассасалари талабаларини ўз тақлифларини билдиришга ўндаш мақсадда ягона мулоқот майдонида бирлаштирди;

— форум майдонида ёшлар билан ўтказилган маслаҳатлашувлар натижалари 2023 йил декабр ойида Женевада ўтказилган юқори даражадаги тадбирда тақдим этилиши режалаштирилётган “Инсон ҳуқуқлари — 75” ёшлар декларацияси лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилади.

Тошкент халқаро форумининг ўзига хослиги ушбу халқаро ҳуқуқий анжуман доирасида ташкил этилган ранг-баранг маънавий-маърифий тадбирлар мисолида ҳам ёрқин намоён бўлди. Хусусан, унинг очилиши ноъанавий тарзда бошланди. Муҳташам мажлислар зали узра Ўзбекистон Қахрамони, халқ шоири Эркин Воҳидовнинг “Инсон касида” иқтидорли ёшлар ижросида ўзбек, инглиз ва рус тилларида янгради.

Шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича адабиётлар, ўзбек шоир ва ёзувчиларининг сара асарлари кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазмадан 100 та номдаги 200 дан ортиқ китоб ва илмий журналлар жой олди. Илмий-техник кафиётлар ва ёш иштирокчиларнинг “стартан” лойиҳалари намоиши ҳам иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Халқаро форум доирасида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабалари учун маҳорат дарси ташкил қилинди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Давлат ва ҳуқуқ институтида мамлакатимизнинг тўртта минтақасида жойлашган Наманган, Нукус, Самарқанд ҳамда Термиз давлат университетлари юридик факультетлари талабалари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Марказий Осиё ёшлар форумининг очилиш қисмида иштирокчиларни БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари **Фолькер Тюрк** ва Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташиклоти (ЕХХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори **Маттео Мекачи** видеомурожаат орқали табриклади. Шунингдек, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий мувофиқлаштирувчиси номидан — ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги вакили в.б. **Жофри Ижумба**, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташиклоти амалдаги раисининг ёшлар масалалари бўйича махсус вакили **Мемет Жаку** ҳамда Ислом ҳамкорлик ташиклотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси вакили **Муҳаммад Лавал Сулаймон**нинг қўтлов сўзлари тингланди.

Халқаро форум иштирокчилари бир қатор жуда муҳим ҳулосаларни баён этдилар. Энг асосийси, **жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев ёшларнинг кадр-қиммати, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасида олиб бораётган сиёсатини ҳамда бу борада илгари сураётган ташаббусларини юксак баҳолаши алоҳида таъкидланди.**

Хусусан, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари **Фолькер Тюрк** ёшлар анжуманини ташкил қилгани учун мамлакатимиз Хукуматига миннатдорлик билдириб, мазкур форум Ўзбекистоннинг бу борада қўйган кўлаб муҳим қадамларидан бири эканини эътироф этди.

Ф. Тюркнинг таъкидлашича, **“Тошкент халқаро форуми Марказий Осиё ёшлари ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ўрганишлари, энг муҳими, қарор қабул қилувчиларга ўз**

муаммолари ва ташвишларини билдиришлари учун эркин мулоқот майдонидир. Бу ерда ёшлар инсон ҳуқуқлари улар учун нимани англатишини ва инсон ҳуқуқлари учун қандай келажақни хоҳлашларини баралла билдириш имконига эга бўладилар. Бу халқаро анжуман инклюзив ва тинч жамиятларни барпо этишда ёшларнинг улкан ролини таъкидлаш учун қўлай имконият ҳисобланади”.

Ўз навбатида, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги вакили в.б. **Жофри Ижумба** қайд этганидек, ёшларнинг ўз салоҳиятларини тўлиқ рўёбга чиқаришлари учун имкониятларни кенгайтириш БМТнинг Тошкентдаги жамоаси учун асосий устувор йўналиши ҳисобланади. Ушбу стратегик мақсад БМТнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган Барқарор ривожланиш бўйича ҳамкорлик дастурида ўз ифодасини топган. Ўзбекистон БМТнинг “Ёшлар — 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича синов лойиҳасига жалб этилган дастлабки ҳамкор давлатдир.

Ж. Ижумбанинг сўзларига кўра, **“Ўзбекистоннинг бўлажак етакчилари — мохир дипломатлар, сиёсатчилар, парламент аъзолари, давлат хизматчилари, ҳуқуқшунослар бўлиб етишадиган бугунги ёшлар долзарб глобал муаммоларни миллий муаммолар билан уйғунликда таҳлил қилиш борасида тегишли кўникма ва билимга эга бўлишлари зарур. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистонда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда, айни жараёнда ҳеч ким ортда қолмаслигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда Ўзбекистонда инсон салоҳиятини юксалтиришга катта аҳамият берилмоқда. Ўзбекистон бугун ўзининг ёш кадрлари билан ҳар қачонгидан ҳам кучли эканига шубҳа йў”**.

Ислом ҳамкорлик ташиклотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси вакили элчи **Муҳаммад Лавал Сулаймон** форум ташиклотчиларига ёшлар ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ғамхўрликларни, шу жумладан, 2019 йили Тошкентда ИХТнинг ёшлар ҳуқуқлари бўйича олтинчи йиллик семинари муваффақиятли ўтказилгани учун миннатдорлик изҳор қилди. У 2025 йилда дунё аҳолисининг салкам учдан бир қисми ёшлардан иборат бўлишига эътибор қаратиб, навқирон инсонлар жамиятини ҳаракатга келтирувчи таянч кучларга айланишлари учун етарли шижоат, салоҳият ва ташаббускорлик лаёқатга эгаликларни таъкидлади. Шу маънода, ИХТ вакили ёшларнинг ҳуқуқлари таъминлашини ва уларнинг раҳбарлик вазифаларида ишлашлари учун кенг йўл очилишига Тошкент халқаро форуми натижалари ўзига хос ўрин туттишига ишонч билдириди.

Яқинда Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти ёшлар соҳасида яна бир муҳим ташаббусни — БМТ ҳузурида **Марказий Осиё ёшларини ривожлантиришга**

кўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этишни тақлиф қилди. Ушбу ташаббус Марказий Осиё минтақасида ёшлар ҳуқуқларини таъминлаш ва амалга оширишдан энг юқори даражада манфаатдорлиқнинг ўзига хос намунаси. Чунки Марказий Осиёда аҳолининг қарийб ярмини ёшлар ташкил этиши назарда тутилса, ёш авлод, унинг салоҳиятини рўёбга чиқариш билан боғлиқ масалалар алоҳида аҳамият касб этиши янада аққол аён бўлади.

БМТДнинг зўравон экстремизмининг олдини олиш масалалари бўйича халқаро эксперти **Жозеф Гайт** ёшларни экстремистик оқимларга жалб этишга қаратилган сайтлар мавжудлиги сабабли жиддий хавф борлиги ва бу борада ёшларга танқидий фикрлаш, бундай мазмунли англаш ва ушбу маълумотларга қарши курашиш кўникмаларини ўргатиш зарурлиги ҳақида гапирди. Унинг фикрича, сўз эркинлиги ҳуқуқини бузмаган ҳолда, бундай сайтлар фаолиятини чеклаш масаласига ойдинлик киритиш зарур. Шунингдек, профессор-ўқитувчилар таркибини ёшлар билан ишончли муҳитда мулоқот қилишга ўргатиш, бунда ўз фикрини эркин ифода этиш, бошқаларнинг турлича фикрларини баҳолаш ва ҳурмат қилиш масалаларида кўмаклашиш тавсия этилди.

Галлаудет университетини битирувчиси **Дамир Тўзмухамедов** ўз нутқида АҚШнинг инклюзив таълим соҳасидаги тажрибаси билан ўртоқлашди. Маърузачи Галлаудет университети мисолида имконияти чекланган ёшларнинг таълим олиш ҳуқуқлари қандай амалга оширилаётгани ҳақида гапирди. Бу дарслар америкача имо-ишора тилида ўтиладиган дунёдаги ягона университет бўлиб, унда ақсарияти қар ва эшитиш қобилияти паст профессор-ўқитувчилар дарс ўтади.

Маърузачи ногиронлиги бўлган ва эшитиш қобилиятини йўқотган инсонларга ҳам кенг қамровли таълим олиш ҳуқуқини қаролатладиган АҚШ қонунларида иштирокчилар эътиборини қаратди. Америка Қўшма Штатлари таълим тизимидаги муваффақиятли дастур ва амалиётлар барча талабалар учун уларнинг жисмоний ёки психологик ҳусусиятларидан қатъи назар, фойдаланиш имконияти ва тенг имкониятларни таъминлашга қаратилганлигини билан аҳамиятлидир.

Иштирокчилар томонидан халқаро форумнинг якуний ҳужжати — Ёшлар ҳуқуқлари бўйича Марказий Осиё декларацияси лойиҳаси ишлаб чиқилди. Форумнинг асосий натижалари ва амалий тавсиялари ўз мужассасини топган ушбу муҳим ҳужжат

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Президенти ҳар қандай жамиятнинг барқарор ривожланишида ёшларнинг муҳим ўрин туттишини англаган ҳолда халқаро майдонда мунтазам равишда муҳим ташаббуслар билан чиқаётгани бежиз эмас. Чунки давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **“Сайёрамизнинг эртанги кунини, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз — ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир”**.

истиқболда ёшлар ҳуқуқлари соҳасидаги янги сайё-ҳаракатлар ва илғор ташаббуслар учун мустаҳкам замин вазифасини ўташига ишонч билдирилди.

Ёшлар ҳуқуқлари бўйича Марказий Осиё декларацияси лойиҳасини муҳокама қилиш асносида бир қатор асосий тавсиялар илгари сурилди.

Биринчидан, 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни ва ёшларнинг ижодий салоҳиятини рағбатлантириб бориш лозим. Бунда мунтазам равишда таълим кампаниялари ва рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда турли маърифий тадбирларни ўтказиш орқали ёшларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, тинчлик ва бағрикенглик маданияти ҳақида ҳардорликни оширишга урғу берилди.

Иккинчидан, ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ҳужжатлар ва БМТ қарорларидан раҳбарий қўламли сифатида фойдаланган ҳолда, ёшлар сиёсати соҳасида комплекс ва мақсадли миллий дастур ва стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишни амалиётга янада кенг татбиқ этиш керак.

Учинчидан, инклюзив таълимни таълим тизимининг барча босқичида жорий этиш зарур. Бу, ўз навбатида, ногиронлиги бўлган ёшларнинг жамиятга тўлиқ интеграциялашуви учун уларга сифатли таълим беришга хизмат қилади.

Тўртинчидан, ёшларнинг ОИВ/ОИТС касаллиги ва репродуктив саломатлик ҳақида хабардорлигини ошириш учун соғлом ҳаётга оид таълим қўламини кенгайтириш зарур.

Бешинчидан, барқарор ривожланиш соҳасидаги долзарб масалаларни ҳал этишда минтақавий ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш мақсадида Марказий Осиё давлатлари ўртасида ёшлар делегациялари алмашинувини кўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқдир.

Ҳеч шубҳасиз, пойтахтимизда конструктив, ижодий ва ишчи муҳитда бўлиб ўтган “Ёшлар ҳуқуқлари: имкониятлар ва ҳимоя қилиш механизмлари” мавзусидаги халқаро форум якунлари барчамизга янги сайё-ҳаракатлар учун беқиёс рағбат бағишлади. Шу муносабат билан миллий ва халқаро ҳамкорларимизга форумни ўтказишда ҳар томонлама кўллаб-қувватлаганини учун, оффлайн ва онлайн қатнашган жами иштирокчиларга эса гоят қадриятлари учун яна бир бор миннатдорлик билдира-миз.

Акмал САИДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Спикерининг биринчи ўринбосари,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази директори.

Қисқа сатрларда



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси томонидан “Қонун ижодкорлигида ёшларнинг ўрни” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда комиссия фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири — қонун лойиҳалари юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш эканлиги таъкидланди. Ўтган даврда комиссия 30 дан ортиқ қонун лойиҳалари бўйича 60 дан зиёд асосланган тақлифлар тайёрлаган ва уларнинг ақсарияти қонун лойиҳалари тақомилига етказилишида эътиборга олинган.

Шунингдек, Ёшлар масалалари бўйича комиссия томонидан “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” давлат дастури ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган устувор вазифаларни ҳаётга изчил татбиқ этиш бўйича ҳам кенг қўламли ишлар олиб борилаётгани таъкидланди.

Тадбирда ёшларга “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган устувор вазифалар, унинг доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлорлар, шунингдек Қонунчилик палатаси фаолиятининг асосий йўналишлари ҳақида ҳам атрафлича маълумот берилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва иқтисодий масалалар қўмитаси томонидан Камбағилликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг шу йил тўққиз ойида бажарилиш юзасидан ахбороти эшитилди.

Қизгин муҳокама руҳида ўтган йиғилишда депутатлар вазирлик томонидан давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларни эътироф қилган ҳолда, соҳада кузатилаётган айрим камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича тегишли тақлиф ва тавсиялар берди.

Йиғилиш сўнгидан қон тартибидида масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси томонидан “Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида”ги Қонуннинг ижро этилиши ҳолатини назорат-таҳлил тартибиде Сурхондарё вилояти мисолида ўрганиш якунларида бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Унда депутатлар назорат-таҳлил тадбирида аниқланган, ҳал этилиши лозим бўлган бир қатор масалаларга алоҳида эътибор қаратди.

Қизгин баҳс-мунозара ва муҳокама чоғида депутатлар ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш борасидаги дастурларнинг ўз муддатида бажарилиш юзасидан мониторингини амалга ошириш, соҳада ҳусусий сектор ва давлат-ҳусусий шериклини кенгайтириш, объектлардан ичимлик суви таъминоти эҳтиёжлари учун фойдаланишда санитария қондаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича зарур тавсиялар берилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ишлорлар қўмитаси томонидан Давлат активларини бошқариш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон вилояти ҳамда Тошкент шаҳри ҳудудий бошқармаларининг “Давлат иштирокидаги корхоналарда молиявий натижадорликка эришиш ва давлат мулкидан самарали фойдаланиш ҳолати тўғрисида”ги ахборотлари эшитилди.

Йиғилишда депутатлар амалга оширилган ишларни эътироф қилиш билан бирга, агентликка ҳусусийлаштириш жараёнларини жаддаллаштириш мақсадида ҳудудлардаги бўш турган ва самарасиз фойдаланилаётган давлат иштирокидаги корхоналар объектларини япи хатлов ишларини давом эттириш, хатлов натижасида аниқланган объектлардан самарали фойдаланишнинг аниқ чораларини қўриб бориш бўйича тегишли тавсиялар берди.

Яқунда қон тартибидида масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Парламент ахборот маркази.

СПОРТЧИЛАРИМИЗНИНГ НАВБАТДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида давом этаётган IV Параолимпий йўналири дастуридан ўрин олган бир қатор спорт турлари бўйича кеча навбатдаги беллашувлар бўлиб ўтди. Уларда юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган атлетларимиз муносиб катнашиб, нафақат ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олди, балки мусобақа рекордларини ҳам янгилашди.

Параолимпий ўйинлари

Жумладан, хотин-қизлар ўрта-сиде параенгил атлетиканинг F41 йўналишида ядро улоқтириш бўйича ўз имкониятини синая кўрган Кубаро Ҳакимова Осиё рекордини ўрнатган ҳолда олтин медални қўлга киритди.

Эркеклар ўртасида Т47 йўналишида узунликка сакраш баҳсида Омадбек Ҳасанов ҳам барча рақибларини ортда қолдириб, мусобақа ғолибига айланди.

F37 йўналишида ядро улоқтириш мусобақасида Қудратуллоҳ Маъруфхўжаев олтин, Толибжон Йўлдошев олтин медалга сазовор бўлди. Яна бир спортчимиз Элбек Султонов эса F12 йўналишида ядро улоқтириш дастурида қумуш медални қўлга киритди.

Пауэрлифтинг бўйича Фарҳод Умрзоқов (-97 кг.) 228 кг. оғирлик-

ни бўйсундириб қумуш медаль соҳибига айланди.

Шунингдек, F11 йўналишида диск улоқтириш баҳсида Шахнозахон Адхамова кучли учликдан жой олди.

Авалли кунлардаги бахсларда парасузининг S13 йўналишида 400 метрга эркин усулда сузиш мусобақасида бронза, 100 метрга брасс усулида сузиш беллашувида қумуш медални қўлга киритган Фирдавс Мусабоев кеча мазкур йўналишининг 200 метрга индивидуал комплекс усулда сузиш бўйича бронза медални қўлга киритди.

Парасузиш бўйича S13 йўналишида 50 метрга эркин усулда сузиш баҳсида иштирок этган уч нафар вақилимизнинг барчаси совринли ўринларни эгаллади. Жумладан, Ислом Асланов олтин,



Музаффар Турсунхўжаев қумуш ва Кирилл Паньков бронза медалига сазовор бўлди. Эслатиб ўтамиз, бу спортчиларимиз аввалги кунги беллашувларда ҳам ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олишган. Хусусан, мазкур йўналишининг 100 метр масофага баттерфляй усулда сузиш баҳсида Музаффар Турсунхўжаев олтин, Ислом Асланов қумуш, Кирилл Паньков эса бронза медалини қўлга киритганди. 100 метрга

чалқанча усулда сузиш баҳсида эса Кирилл Паньков олтин, Музаффар Турсунхўжаев қумуш медаль соҳибига бўлган эди.

Мусобақанинг навбатдаги кунидан сўнг Ўзбекистон делегацияси 24 олтин, 23 қумуш, 25 бронза, жами 72 медаль жамғарган ҳолда умумжамоа ҳисобида 8-погонани банд этиб турибди.

Фазлиддин АБИЛОВ
(«Халқ сўзи»).

ИБН СИНО НОМИ БИЛАН АТАЛУВЧИ ДАРАХТ БОРЛИГИНИ БИЛАСИЗМИ?

Дунёдаги кўлаб қўча-ю хиёбонлар, ўқув муассасалари, кутубхоналарга жаҳонда Авиценна номи билан танилган буюк аждодимиз Абу Али ибн Сино номи берилган. Қатор шаҳарларда унинг ҳайкалини ўчратиш мумкин. Янада эътиборлиси, доимо ям-яшил бўлиб турувчи бир дарахт тури ҳам Авиценния деб аталган.

Анжуман

Бу номни унга 1707 — 1778 йилларда ашаб ўтган та-ниқли швед олими Карл Линней берган. Тропик мамлакатларда ўсадиган бу дарахт ўзига хос япроқлари ва пушти гуллари билан ажралиб туради. Манбаларда айтилишича, унинг 8 тури бор. Айрим турларини хона шароитида ҳам ўстириш мумкин.

Карл Линнейга келсак, у Швециянинг овлоқ бир ғўша-сида туғилган. Замонавий био-логиянинг асосчларидан би-рга айланган бу инсон ўсим-ликлар ва ҳайвонларнинг би-ринчи таснифини яратган. Швеция ва Норвегиянинг ши-молий қисми Лапландияга ёлғиз ўзи экспедиция уюшти-риб, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг кўп-лаб турларини тадқиқ қилган.

далил Карл Линнейнинг қомусий олим Абу Али ибн Сино таълимотидан яхши ҳа-бардорлигини кўрсатади. Зо-тан, Ибн Сино асарларининг кўп-лаб қўлёзма нусхалари дунёнинг нуфўзли кутубхона-ларида сақланади. Шубҳа-сиз, ўсимликларни тадқиқ қилиш, улардан фойдаланиб беморларни даволашда унга Шарқ тамаддунининг порлоқ қолдузларидан бири қолдир-ган бой мерос қўл келган.

Кишин-ёзин ям-яшил тура-диган Авиценния дарахтига ке-ладиган бўлсак, бу ном зами-рида мажозий маъно борлиги қундай равшан, албатта. Буюк аждодимизнинг бой илмий-маънавий мероси асрлар оша ям-яшил дарахтдек яшнаб, соясидан дунёни баҳраманд этиб турибди.

Кеча Бухорода бошланган аънавий анжуман — XII халқ-аро Ибн Сино ўқишлари ил-мий-амалий конференциясида ана шу меросни янада чуқур ўрганиш масалалари қўриб чи-қилмоқда.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

■ Назм гулшани

АНВОЙИ
ИЖОД ЧАМАНИ

Адабиёт аталмиш кўркам
бўстон асрлар оша тўлишиб,
янада чирой очиб, янгидан-
янги номлар билан бойиб бо-
раётгани ҳалқимизнинг бе-
ниҳоя катта хазинаси. Бу боққа
ўз улушини қўшган борки, ди-
лига, тилига юксак инсоний
туйғулар, Ватан, эрк, муҳаб-
бат, эзгулик, бахту саодат
каби тушунчалар жо бўлади.

Ўзбекистон халқ шоири Сирожиiddин Саййид ўзи-
нинг ана шундай оташин шеърятини, сермахсул ижоди
билан халқимизнинг кўнглидан жой олган ижодкор-
дир. Шоирнинг битикларида озод юрт манзумаси,
ошиқ кўнгли бахту изтироблари, эзгуликка эш ҳаётин
тимсоллар ўзига хос ифорида, кўрку тароватда намоён
бўлади. Соф туйғулар, чўнг самимият, теран фикрлар,
мукаммал бадийят шеъринг илосмандини мафтун
этади.

Куйида шоирнинг ижодидан сара намуналарни
ўқувчиларга тўхфа қиламиз.

Инсон қадри

Тирикликнинг ифоридай гуллар атри,
Булбул учун муқаддасдир бўстон қадри.
Булбул асло яшолмас ўз чаманисиз,
Инсон яшолмагай ҳаргиз Ватанисиз.
Яшнар экан токи давру замон қасри —
Бу Ватанда муқаддасдир инсон қадри.

Сен эғилиб чигит экдинг, пахта тердинг,
Шунча молу дунёингни қимча бердинг?
Юз йил меҳнат қилдинг, қосанг оқармади,
Халқим, толе сенга ҳам бир боқармиди?
Келди энди чин дехқону борбон қадри,
Бу Ватанда муқаддасдир инсон қадри.

Миллатларни бирлаштирган ташиқлотда
Сен ўзбекча сўйлар эдинг, Ўзбек ота.
Сен ўзбекча сўйлардинг — мен йиллар эдим,
Уч юз етмиш томирим-ла тинглар эдим.
Баланд бўлди элда илму ирфон қадри,
Бу Ватанда муқаддасдир инсон қадри.

Келажакнинг кўркам қасру уйларида,
Тўйларида, маҳалла ҳам қўйларида —
Эллар, халқлар бирлашиб байрам бўлади,
Бу давронлар хали дув-дув ғам бўлади.
Ўзбек учун муқаддасдир меҳмон қадри —
Бу Ватанда муқаддасдир инсон қадри.

Ўзинг қурдинг уч минг йиллик давлатингни,
Қадрига ет оринг, шаъну шавкатинени.
Бугун имон келтирди-ку рўйи жаҳон,
Ўзбекистон, ота макон, она макон.
Чин сарбонга қутлуг бўлсин қарвон қадри,
Бу Ватанда муқаддасдир инсон қадри,
Инсон қадри муқаддасдир, инсон қадри.

Дилни ўзга юртга мойил кўрмадим,
Юртсиз бир муродни ҳосил кўрмадим.
Қанчалар уммону дарёлар кечдим,
Анҳор соҳилидай соҳил кўрмадим.

Қўрнган тоғларнинг қояларидир,
Ул ота-бобомнинг сояларидир.
Осмонга иттилган баланд чўққилар
Эрк дея юксалган қояларидир.

Рауф Парфи таваллудининг
80 йиллиги«ОЛОВЛАР, ЧАМАНЛАР
ИЧРА ЎЗИМ БОР»

Тошкент вилоятининг Янгийўл туманидаги Халқ-
обод маданият марказида ўзбек адабиёти ривожига
улкан ҳисса қўшган ижодкор, Ўзбекистон халқ шои-
ри Рауф Парфи таваллудининг 80 йиллигига бағиш-
ланган «Оловлар, чаманлар ичра ўзим бор» номли
адабий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда шоир ва
ёзувчилар, шоирнинг оила аъзолари, талаба-ёшлар
ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Бадиий кечада сўзга
чиққанлар Рауф Парфи
ижоди, жасоратли шеър-
ятини, шоир шеърларидаги
ўтли рух — эрк, Ватан, му-
ҳаббат туйғуларини таъсир-
чан тарзда ифодалагани,
ижодкор таржимон сифа-
тида ҳам ўзига хос мактаб
яратгани, бу адабиёт бу-
гун ҳам муҳлислар қалби-
да яшаётгани ҳақида гапи-
ришди.

— Устоз Рауф Парфи
бутун умри мобайнида тур-
кий бирлик ҳақида орзу
қилди, ўйлади, ёзди, —
дейди шоир ва таржимон
Вафо Фаёзуллоҳ, — Бугун
ўша улуг мақсад амалга
ошмоқда, қардош давлат-

лар ижтимоий-сиёсий, маъ-
навий-маърифий, адабий-
бадиий ҳамкорликлар асо-
сида бирлашмоқда. Агар
Рауф Парфи бу кўнларнинг
шоҳиди бўлганида нақадар
хурсанд бўларди. Бугун ус-
тознинг 80 йиллиги кўтарин-
ки руҳда ўтди. Мухташам
адабиёт боғи сўлмас экан,
Рауф Парфи ҳам қалблари-
мизда барҳаёт яшайверади.

Тадбирда шоир шеърла-
ри ўқилди, санъаткорлар
томонидан Рауф Парфи
ижод намуналари асосида
яратилган қўшиқлар ижро
этилди.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ
(«Халқ сўзи»).

«Ўзмиллийбанк» АЖ:

ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ВА
ИШОНЧЛИ МОЛИЯВИЙ ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

Бугун молия бозорининг талаби
қатъийлашиб бормоқда. Чунки рақобат кучли.
Рақобатда ютқазиб қўймасликнинг муҳим
шарти эса — молиявий барқарорликни
таъминлаш, туризмни ривожлантиришнинг
бош бўғини бўлган хизматлар соҳасини
жадаллаштириш, ишбилармонларни,
экспортчи корхоналарни ва хизмат кўрсатиш
тизимини кенгайтиришга бел боғлаган
тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш,
истикболли бизнес лойиҳаларини тайёрлашга
ёрдамлашиш. Ва аynи чоғда, тобора

глобаллашиб, хатар ва таваккалчилик ортиб бораётган молия
бозорида ўз ўрни ва нуфузига эга бўлиш ҳар бир банк
муассасасининг асосий вазифасидир.

■ Молия муассасаларида

“Ўзмиллийбанк” АЖ бозорнинг
ана шундай қатъий талабларини
бажаришда ва мамлакатдаги
молия муассасалари орасида ўз
мавқеини мустаҳкамлаш йўлида
собитқадамлик билан ҳаракат
қилмоқда. Бинобарин, хизмат
кўрсатиш соҳасини барқарор ри-
вожлантиришга давлатимиз раҳбари
томонидан ҳам катта эътибор
қаратилмоқда. Банк Президенти-
миз Фармон ва қарорлари ижроси
доирасида ҳудудларда аҳолига хиз-
мат кўрсатиш даражасини кўтариш
йўлида тадбиркорларга қўллаб-қув-
ватлаш лойиҳаларини тақлиф эт-
моқда. Бунинг самараси ўлароқ,
замонавий меҳмонхоналар, даво-
лаш-профилактика муассасалари,
спорт ва соғломлаштириш марказ-
лари ҳамда дам олиш масканлари
қад ростламоқда. Янги-янги иш
ўринлари очилляпти.

Бу жиҳатдан “Ўзмиллийбанк” АЖ
ҳар доим ишбилармонларнинг
ишончли ҳамкори бўлиб келмоқда.
Буни банк Матбуот хизмати ташаб-
буси билан ОАВ ходимлари ишти-
рокида Бухоро вилоятида ўтқа-
зилган пресс-тур ҳам ифодалаб
турибди.

Бозордаги рақобат
ва тўсиқларни
енгиб...

Дастлаб пресс-тур иштирокчи-
лари “Ўзмиллийбанк” АЖнинг Бу-
хоро вилояти Бош бошқармаси
молиявий кўмагидан фойдаланиб
келаётган “CITY SPORT BUKHARA”
МЧЖга қарашли спорт соғлом-
лаштириш маркази фаолияти бил-
лан танишди.

Мазкур марказда ёпиқ сузиш
ҳавзаси, тренажёр, гимнастика
зали, туз билан даволаш, фин са-
унаси, соғломлаштирувчи массаж
хизматлари йўлга қўйилган.
Асосийси, хизмат кўрсатиш
мажмуаси ўзининг энг ишончли
ҳамкори — “Ўзмиллийбанк” АЖ
кўмагида ривожланиб бормоқда.

— Бугун соғлом турмуш тарзи
халқимиз ҳаётининг ажралмас
қисмига айланиб бормоқда. Шу
боис спорт мажмуалари ҳамда
соғломлаштириш марказларига
бўлган талаб кун сайин ортияпти,
— дейди “CITY SPORT BUKHARA”
МЧЖ директори Азиз Қораев. —
Бу эса биз тадбиркорларга айнан
шундай хизматларни йўлга қўйиш
учун янги лойиҳаларни амалга
оширишда қўл келаётди. Мазкур
лойиҳанинг умумий қиймати
16,9 млрд. сўм бўлиб, шундан
банк томонидан ажратилган
10 млрд. сўм миқдоридagi
кредит маблағи эвазига марказ-
ни керакли жиҳозлар билан таъ-
минладик.

Соғломлаштириш марказида
50 киши иш билан таъминланган.
Ишчи ходимлар 2 миллиондан
7 миллион сўмгача иш ҳақи ол-
моқда. Асосийси, тадбиркор маз-
кур марказни ишга туширгандан
сўнг хизмат кўрсатиш тармоғида
яна бир нечта лойиҳаларни амал-
га оширишга муваффақ бўлди.
Тиббий хизмат йўналишини бўйича
66 ўринга мўлжалланган “SOFI
MED” клиникаси фойдаланишга
топирилди. Ушбу тиббий муас-
сасада кардиология, неврология,
гинекология, физиотерапия, лабо-
ратория бўлимлари ташкил эти-
либ, малакали шифокорлар ми-
жозларга хизмат кўрсатмоқда.

— Авваллари тадбиркор кури-
лиш, ишлаб чиқариш, савдо-сотик
соҳасининг айнан битта тармоғи-
да фаолият олиб борарди, — дей-
ди Азиз Қораев навбатдаги
лойиҳаси билан таништирар экан.
— Хоҳиш бўлса ҳам бозордаги ра-
қобат ва баъзи бир тўсиқлар тар-

моқларни кенгайтиришга йўл
қўймасди. Бугун бизни қувонти-
радиган жиҳати, ишбилармон
яҳши лойиҳа ва ташаббус билан
чикса, банк уни қўллаб-қувватла-
моқда. Бундай имконият бизни
унумли ишлашга, бизнесимизни
янада кенгайтиришга ундайди.

Тадбиркор томонидан “Ўзмил-
лийбанк” АЖнинг молиявий кўма-
гида ташкил этилган ресторан
хизмати ана шу фикрнинг манти-
қий давоми дейиш мумкин. Ушбу
лойиҳанинг умумий қиймати



5 млрд. сўм бўлиб, шундан банк-
нинг Бухоро вилояти Бош бош-
қармаси томонидан ажратилган
кредит суммаси 1,9 млрд. сўмини
ташкил этади. Бугунги кунда маз-
кур бинода 10 дан зиёд фуқаро-
лар иш билан таъминланган. Рес-
торан таркибида 250 ўринга
мўлжалланган тўйхона ҳам мав-
жуд.

Тадбиркорга, энг аввало,
молиявий кўмак керак, — дея
сўзини яқунлайди Азиз Қораев.
— Бунда банкнинг Бухоро вило-
яти Бош бошқармаси билан ҳам-
корлигимиз ўзининг ижобий са-
мараларини берапти. Келгусида
яна бир қатор режаларимизни
амалга ошириш ниятидамиз.
Банк биз, тадбиркорларни қанча
кўп қўллаб-қувватласа, истикбол-
ли лойиҳалар устида ишлаб,
янги-янги иш ўринлари очишга
ҳаракат қиламиз.

Хизматлар соҳаси
— туризмнинг
муҳим тармоғи

Шу йилнинг январь — сентябрь
ойларида вилоятда хизматлар со-
ҳасида 96,7 мингта иш ўрни очил-
ган. Шу муддатда хизматлар
ҳажми 13,7 трлн. сўмини ташкил
этиб, ўтган йилнинг шу даврида-
гига нисбатан 109,3 фоизга ўсди.
Натижада аҳоли жон бошига
кўрсатилган хизматлар ҳажми
6,8 млн. сўмга кўтарилди.

Энг кўп хизматлар ҳажми Бухоро
шаҳрида 5 трлн. 262,5 млрд. сўм,
Ғиждувон тумани — 1 трлн.
697,7 млрд., Бобкент тумани —
816,4 млрд. ҳамда Ромитан тумани-
да 790,6 млрд. сўмга етганини
қузатиш мумкин.

Шунингдек, жорий йилнинг
1 октябрь ҳолатига кўра, хизмат-
лар соҳасида фаолият кўрсатаёт-
ган корхоналар ва ташкилотлар
сони 21 119 тага етди. Ўтган йил-
нинг шу даврида бу рақам
65,3 фоизга тенг бўлса, жорий
йилнинг 1 октябрь ҳолатида ушбу
кўрсаткич 68 фоиз ошди.

Жорий йилнинг дастлабки 9 ойи-
да хизматлар соҳасида янги таш-
кил этилган корхоналар сони
3 207 та бўлса, бу ўтган йилнинг
мўс давридагига нисбатан 864 тага
кўпайган. Хизматлар соҳасининг
муҳим тармоғи саналган туризм
ҳудудда кенг ривожланган. Бу эса,
ўз навбатида, меҳмонхоналарга
бўлган талабни ҳам оширади. Шу
мақсадда “Ўзмиллийбанк” АЖ бир
қатор лойиҳаларни молиялашти-



риб, туризм соҳасини изчил
қўллаб-қувватламоқда.

Хусусан, “HOTEL AFSONA” МЧЖ
томонидан Бухоро шаҳрида уму-
ий қиймати 3 млрд. сўм бўлган
замонавий меҳмонхона мажмуаси
ташкил қилиш лойиҳаси учун
“Ўзмиллийбанк” АЖ томонидан
1 млрд. сўм кредит маблағи аж-
ратилди. Мазкур меҳмонхонада
яшаш хоналар сони 30 та бўлиб,
бир вақтнинг ўзига 60 нафар меҳ-
монга намунали хизмат кўрсата-
ди. Аynи чоғда 10 киши иш билан



таъминланган. Келажакда тадбир-
кор корхона фаолиятини янада
кенгайтириб, “Afsona Premium”
ресторани очишни мўлжалламоқда.
— Сабаби, бугун замонавий ва
шинам оқватланиш мажмуаларига
талаб ортиб бораётди. Бухоро
азал-азалдан ҳам маҳаллий, ҳам
хорижлик сайёҳларнинг эътибори-
да бўлиб келган. Бу ерга келган
туристлар нафақат тарихий оби-
далар, замонавий қулайликлар,
балки миллий таомларга ҳам қизи-
қади. Шу боис навбатдаги лойи-
ҳамизда бунга алоҳида эътибор
қаратилмиш, — дейди тадбиркор
Фирдавс Шаропов.

Бухорода азалдан хунармандчи-
ликнинг каштадўзлик, қулоччилик,
темирчилик, мискарлик, зардўзлик
ва заргарлик турлари кенг ривож-
ланган. Айниқса, Бухоро зардўз-
лик мактабини нафақат юртимиз-
да, балки хорижда ҳам яхши би-
лашади. Зардўзлар бетакрор ус-
лублар асосида яратган нақшу ни-
горларнинг матода мавжланиб ту-
риши хорижлик сайёҳларни лол
қолдиради. Шу боис бу маҳсулот-
ларга ҳамisha талаб юқори.
“Ўзмиллийбанк” АЖ Бухоро вило-
яти Бош бошқармаси ушбу йўна-
лишдаги истикболли лойиҳаларни
молиялаштиришда ҳам ишончли
ҳамкор.

Мазкур йўналишда Бухоро шаҳ-
рида фаолият кўрсатиб келаёт-
ган “ZARDOZ” МЧЖ томонидан
умумий қиймати 782,5 млн. сўм
бўлган зардўзлик маҳсулотлари
ишлаб чиқариш лойиҳаси учун
500 млн. сўм кредит маблағи аж-
ратилди. Бундай маҳсулотлар
ишлаб чиқариш цехини йўлга
қўйиш эвазига 5 та янги иш
ўрни яратилди. Бу ерда зарчопон,
турли хилдаги аёллар либослари
ва хонадонлар учун пардалар
тиклилади. Келгусида корхона
фаолиятини кенгайтириш ва янги
иш ўринлари очиш кўзланмоқда.

Технологиялар тараққий этиб
бораётган бугунги даврда қўл ме-
хнати янада энгиллашди, — дейди
зардўз Дилфуза Арабова. — Бит-
та тўн авваллари кўлда бир ойда
тикланган бўлса, ҳозирда Хитойдан
олиб келинган замонавий ускуна-
лар орқали бир кунда 20 тагача
тўн тайёрланаётди. Тайёр маҳ-
сулотлар юртимиз бозорларига,
шунингдек, хорижий сайёҳлар ор-
қали чет элга ҳам етиб борапти.
Буюртмалар сони эса кун сайин
ошиб бормоқда.

Ҳам саёҳат, ҳам
мазмунли ҳордиқ

Бухоро вилоятида барча соҳа
сингари иссиқхона ҳўжалиги ҳам
ривожланиб бормоқда. Буни замо-
навий типдаги автоматлаштирилган
иссиқхоналар қўлайиб бораётгани
мисолида ҳам қўриш мумкин.

Жумладан, “VARNET” Ўзбекис-
тон — Туркия хорижий корхона
шаклидаги масъулияти чекланган
жамияти томонидан барпо этил-



ган замонавий иссиқхона комп-
лекси бошқалардан фарқли ра-
вишда цитрус мевалар етишти-
ради. Аynи чоғда табиат қўйнида
умумий оқватланиш хизмати ҳам
ташкил этилган эътиборга мо-
лик. Ноанъанавий ушбу дам олиш
масканида нафақат мазали таом-
лар истеъмол қилиш, шунингдек,
иссиқхона тароватидан баҳра
олиш мумкин.

— Ҳар доим ушбу банкнинг
хизматларидан фойдаланиб кела-
ман, — дейди “VARNET” Ўзбе-
кистон — Туркия хорижий корхо-
расининг инвестори Хуршид Эн-
вер. — Бизда етиштириладиган
маҳсулотлар шу ернинг ўзига со-
тилади. Иссиқхонамизда дунё-
нинг ҳамма бурчагида ўсадиган
300 турдаги ноёб гул ва даракт-
лар мавжуд. Иссиқхонада шунинг-
дек, помидор, бодиринг, қулпнай,
банан, авақад, папая каби мева
ва सबзавотларни ҳам етиштира-
миш.

Бундан ташқари, лаборатория
фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Бу
ерга 30 млн. долларга яқин ин-
вестиция киритилган. Аynи кун-
да 40 гектар иссиқхонада маҳ-
сулот етиштираётган бўлсак,
2026 йилгача яна 80 гектар май-
донда иссиқхона қуришни режа-
лаштирганмиш.

Маҳаллий аҳолининг сеvimли
дам олиш масканига айланган бу
боғда чиндан-да, бетакрор таби-
ат манзарасининг гувоҳи бўлди.
Бу ерда яратилган шароитлар
масканга ташриф буюрувчилар-
нинг кўнглили ҳордиқ чиқариши-
га, марказ учун эса янги иш ўри-
лари яратилишига хизмат қил-
моқда.

Хуллас, ишбилармонларнинг ишончли ҳамкори — “Ўзмиллийбанк”
АЖ Матбуот хизмати ташаббуси билан уюштирилган пресс-турда
кўрганларимиздан келиб чиқиб айтиш мумкинки, банкнинг Бухоро
вилояти Бош бошқармаси ажратаётган кредитлар кўмагида бугун
ҳудуднинг иқтисодий кўрсаткичлари юксалиб, янги-янги лойиҳалар ишга
тушмоқда. Бунинг натижасида янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли
фаровонлиги янада ошмоқда.

Асосийси эса — банкнинг ташаббускор тадбиркорлар ва илғор
таклифларни ҳар доим қўллаб-қувватлаётгани. Бундай тақлиф
ташаббуслар билан чиқаётган тадбиркорлик субъектлари сафи
кенгайиб бораётгани эса янада эътиборга молик. Зеро,
мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳаёتبхаш ислохотларнинг
амалий ифодаси банк фаолиятида ҳам ажқол намоён. Бу молиявий
муассаса имкониятлари кенгайишига ва халқимиз орасида нуфузи
юксалишига хизмат қилмоқда.

Масофадан
бошқариладиган
банк хизматида
талаб юқори

Пресс-турнинг иккинчи кун-
да Ғиждувон банк хизматлари
марказида миҳозлар учун
кўрсатилаётган янги хизмат-
лар билан танишилди.

Бу марказ 1997 йил сен-
тябрь ойида 16 нафар ишчи-хо-
дир билан фаолият бошлаган.
Ҳозирга келиб 43 нафар етук мута-
хассис миҳозларга сифатли хизмат
кўрсатмоқда.

Мазкур марказ томонидан аж-
ратилган кредитлар ҳисобидан
“Ғиждувон” эркин иқтисодий зона-
си ҳудудида йирик ишлаб чиқа-
риш корхоналари, савдо ва маи-
ший хизмат кўрсатиш марказлари,
умумий оқватланиш масканлари
ташкил топди. Бундан ташқари,
“Янги Ўзбекистон” массивида за-
монавий кўп қаватли турархона би-
нолари барпо қилинди.

Тадбиркорлик субъектлариға
кредит маблағлари ажратилиши
натижасида 116 та янги иш ўрни
яратилган. Марказда 22,7 минг ми-
ҳозга хизмат кўрсатилади. Шундан
19,5 минг миҳознинг шахслар ва
3,2 мингтаги юридик шахслар
ҳисобланади. Миҳознинг шахслар-
нинг жами депозит қўйилмалари
38,7 млрд. сўмини ташкил этади.

Ҳозирда банк хизматлари мар-
казида замонавий инновацион хиз-
матлар кўрсатилишига алоҳида
аҳамият қаратилмоқда. Хусусан,
миҳозларнинг 71 фоизи масофа-
дан бошқариладиган банк хизмат-
ларидан фойдаланмоқда. Бунда
ҳисоб рақамларда банк айланма-
ларини ҳамда халқро ва миллий
пластик карточкаларда ҳар қандай
банк амалиётлари ва тўловларни
амалга ошириш, онлайн кредит
расмийлаштириш ёки кредит
қарздорлигини қоплаш, омонат
расмийлаштириш, хорижий валю-
таларда конверсион амалиётлар,
пул ўтказмалари каби банк хизмат-
ларидан фойдаланиш мумкин.

Имтиёз —
имкониятга,
имконият —
муваффақиятга
йўл очмоқда

“Ўзмиллийбанк” АЖ хизмат
кўрсатиш тармоғини қўллаб-қув-
ватлашда ишбилармонлар учун
асосий молиявий ҳамкор бўлиб
келмоқда. Шу жиҳатдан олганда,
бугунги кунда Ғиждувон туманида
хизматлар йўналишини бўйича
479 тадан зиёд корхоналар фао-
лият олиб бормоқда.

Хусусан, “САФИРА” МЧЖ томо-
нидан диагностика ва даволаш мас-
кани хизмати ташкил этилган. Илк
фаолиятини 2012 йилда бошлаган
клиника раҳбари даставвал стома-
тология хизматиини йўлга қўйган
эди. 2018 йилда эса тиббий мар-
казнинг фаолияти янада кенгайди.

Банкнинг молиявий кўмагида
МСКТ, МРТ, УЗИ, рентген, ЭКГ ва
лаборатория таҳлилларини ўтказиш
имконини берувчи тиббий ускуна-
лар ўрнатилди. Бу ерга кардиоло-
гия, гинекология, стоматология,
урология каби соҳаларда малака-
ли ва тажрибали мутахассислар
жалб қилинган. Ҳозирги кунда
ушбу тиббиёт муассасаси то-
монидан бир кунда ўрта ҳисобда
300 га яқин беморларга хизмат
кўрсатилади. Мазкур клиникада
нафақат Ғиждувон тумани, балки
қўшни ҳудудлар аҳолисига ҳам
хизмат кўрсатиш имконияти
яратилган. Клиникада 40 дан ортиқ
иш ўринлари яратилган.

Ф. ХУДОЙБЕРДИЕВ.
(«Халқ сўзи»).

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан
рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1041. 32 669 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоши келишилган нархда.